

COVID-19 ПАНДЕМИЯСИ ПАЙТИДА ҚЎЛ-КАФТ КОНТАКТ ДЕРМАТИТЛАРИ

Каримова Мадинахон 406 гуруҳ, Болалар стоматологияси факультеты

Илмий раҳбар: т.ф.н. доцент Маликова Н.Н.

ТДСИ, 4-сон терапевтик йуналишдаги фанлар кафедраси.

Тадқиқот долзарблиги: Шахсий химоя воситаларидан фойдаланишда юзага келувчи тери жароҳатлари кенг тарқалган бўлиб, тиббиёт ходимлари орасида 43% дан 97% гача бўлган ҳолатларда учрайди. Шахсий химоя воситаларидан узоқ вақт (1 кунда 6 соатдан кўп) фойдаланиш тери жароҳатлари юзага келишини оширади. Энг кўп учрайдиган салбий ҳолатлардан қўл-кафт контакт дерматитлари ташкил этади.

Тадқиқот мақсади: COVID - 19 пандемияси вақтида шахсий химоя воситаларидан (антисептиклар ва тиббий қўлқоплардан) фойдаланишни талабалар орасидаги кўрсаткичини аниқлаш ва улар орасида қўл - кафт соҳасида контакт дерматит учраш нисбатини аниқлаш.

Тадқиқот материал ва усуллари: Тадқиқот Тошкент Давлат Стоматология институти талабалари ўртасида олиб борилди. Тадқиқотда сўровнома ўтказиш усулидан фойдаланилди ва унда 98 та талаба иштирок этди (шулардан 63 таси ўғил болалар, 35 таси қиз болалар).

Олинган натижалар. Сўровнома тахлили натижаларига кўра талабаларнинг барчаси пандемия вақтида антисептиклардан фойдаланиб антисептиклардан фойдаланиш кўрсаткичи 100% ни ташкил қилди. Антисептиклардан фойдаланганлар орасида терида ўзгаришлар 56 та талабада кузатилиб, 57.14% кўрсаткични кўрсатди. Пандемия вақтида тиббий қўлқоплардан фойдаланган талабалар сони 75 та, яъни 76.5% ва тиббий қўлқоплардан фойдаланганлар орасида терида ўзгаришлар 59 та талабада қайд қилиниб, 78.95% ни ташкил этди.

Шахсий химоя воситаларидан фойдаланиш вақтида талабалар орасида кузатилган симптомлар турлича бўлиб, қуйидаги нисбатда учраган (1 диаг.) фойдаланиш кўпайганлиги ва

Хулоса: Ўтказилган тадқиқот шуни кўрсатдики, шахсий химоя воситаларидан узоқ вақт давомида бунинг давом этиши контакт ва аллергия дерматитларга сабаб бўлган. Тадқиқотда қатнашган талабаларда контакт дерматитларнинг ривожланиши кун давомида химоя воситаларидан кўп маротаба фойдаланганига боғлиқлиги аниқланди.

Адабиётлар рўйхати:

1. Шутеева, Т. В. (2015). Способы коррекции когнитивных и эмоциональных расстройств у пациентов с дисциркуляторной энцефалопатией. Трудный пациент, 13(5-6), 18-21.
2. Zayniddinova, Abduhamidova Mukhlisakhon, and Rakhimov Ikrom Ismatovich. "MULTIPLE CAVERNOUS MALFORMATIONS OF THE BRAIN." Science and innovation 2.D4 (2023): 214-216.